



Ислом Нури

Илмонийларнинг динни мусулмонлар калбида бузиш ва сохталаштириш учун кўллаган воситалари

Илмонийларнинг мусулмонлар калбида динни бузиш учун турли воситалари бор. Шулардан:

1) калби заиф ва иймони бекарор бўлган айрим кимсаларни, одамларга илмоний гоёларни етказишлари учун, бойлик, мансаб ва аёллар билан фитналантириш.

Аввало, илмонийлар ҳукмрон бўлган оммавий ахборот воситаларида, бу шахслар хақида ёппасига маълумотлар берилади. Сўзлари кўп одамларга макбул бўлиши учун, уларни олимлар, муфаккирлар ва катта тажриба эгалари деб таништирилади. Илмонийлар бу билан кўп одамларни чалгитишга кодир бўладилар.

2) Баъзи одамларни гарб мамлакатларида, илмоний мактабларда тарбия қилиш ва уларга «фан доктори» ёки «профессор» каби илмий унвонларни бериш. **Улар ўз юртларига қайтганларидан сўнг, дорулфунунларда устозлик қиладилар ва зиёлилар ўртасида динни сохталаштириш ва булгаш билан шугулланадилар.** Биз келажакда давлат ишлари дорулфунун ва олийгохларни битириб чиққан кимсалар кўлига ўтишини билсак, дорулфунун ва олийгохларда илмонийларнинг борлиги нақадар фасодга сабаб бўлишини англаб етамиз.

3) Динни парчалаш, баъзи жузъий масалалар хақида гап-сўз ва ёзувларни кўпайтириш, одамларни бу нарсалар билан чалгитиш ҳамда уламолар, талабалар ва даъватчиларни етакчилик ва ўта муҳим бўлган масалалардан чалгитиш учун турли хаёлий муаммолар хақида бахслар юритиш.



Ислом Нури

4) Уламолар, талабалар ва Аллох йўлига даъват килувчи даъватчиларни, одамлар эшитмаслиги ва сўзларига ишонмаслиги учун, оммавий ахборотнинг кўриладиган, эшитиладиган ва ўкиладиган воситаларида хулкий бузук, бойлик, мансаб ва аёлларга харис инсонлар шаклида тасвирлаш. Бу билан илмонийлар, ўз даъволарини ёйишлари учун майдон бўшатиб олишни хохлайдилар.

5) Уламолар ўртасида ихтилофли бўлган масалалар хақида гап-сўзни кўпайтириш ва бу ишни энг буюк ишлардан деб халкка кўрсатиш. Токи, одамлар диннинг барча жихатлари бир-бирига зид, хатто уламолар ўртасида ҳам иттифок йўк, агар динда зиддият бўлмаса эди, бу ихтилофлар бўлмас эди, деб ўйласинлар. Илмонийлар диндан буриш учун мусулмонлар калбида бу масаланинг таъсирини кучайтириш учун бор имкониятларини сарф этадилар.

6) Ажнабий мактаб, дорулфунун ва маданият марказларини очиш. Аслида, бу мактаб, дорулфунун ва маданият марказлари шу муассасаларни очган илмоний давлатларнинг кўрсатмаларига бўйсунди. Зеро бу давлатлар мусулмоннинг ўз динига бўлган муносабатларини мумкин қадар заифлаштиришга, шу пайтнинг ўзида, кенг кўламда, хусусан, ижтимоий, фалсафий ва рухиятшунослик дарсларида, илмоний фикрни ёйиш учун ҳаракат қилади.

7) Шариатнинг баъзи асосларига шариат қоидалари билан суяниш. Суянганда ҳам ўринсиз пайтда, бу қоидаларни риоя қилмай суяниш ва бу суяниш мобайнида илмоний фикрнинг барчасини ёки кўп қисмини ривожлантириш учун ҳаракат қилиш.

Масалан: умумий манфаатлар қоидаси. Илмонийлар бу қоидани нотўғри тушунадилар ва уни ўринсиз ерда ишлатадилар ҳамда ўзлари



Ислом Нури

ёқтирмаган Ислом конунларини рад этиш ва мусулмонлар диёрида илмонийяни ёйиш ва мустахкамлаш учун хужжат киладилар.

Шунингдек, илмонийлар : «икки зарарнинг енгилрогини килинади», «заруратлар харом нарсаларни халол килади», «фасодларни даф килиш манфаатларни жалб килишдан мукаддамдир», «Ислом барча замонлар учун салохиятлидир», «фатволар ахволларга караб турлича бўлади» каби коидаларни , Ислом динини бошка динлар ва миллатлар ичига уйгунлаш-тириш ҳамда мусулмонлар калбида заифлаштириш учун васила килиб оладилар.

Бундан ташқари, улар бу коидаларни, кўплаб одамлар билмаган бир пайтда, кофирлар диёрида хукмрон бўлган иктисодий ва сиёсий тузумларни мусулмонлар диёрига олиб ўтиш учун кўприк килмокдалар.

Менимча, бу услуб Ислом уламолари томонидан ижмоъ килинган коидаларга асослангани учун ҳам, одамларга шубха ва фитналарни ёйишда ўта хатарли ва зарарлидир. Бу окимни содда ва муфассал суратда очиб ташлаш, унинг услубларини айри-айри бахс килиш керак.

Биз шуни таъкидламокчимизки, илмонийларнинг бу коидаларни ушлашлари, шу коидалар келиб чиккан динга иймон келтирганликлари учун эмас, балки, ўзларининг гаразли максадларини рўёбга чиқариш учун курул килиб олганлар, холос.

Мусулмонларнинг вазифалари

Бундай аянчли холатда яшаётган мусулмонларнинг килишлари керак



Ислом Нури

бўлган муҳим вазифа бор. У умматни Исломдан узокда парчалаб, йўқотиб ташламокчи бўлган аламли воқеъни ўзгартишдир.

Бугун мусулмонлар бу мақсадни рўёбга чиқариш учун вақтлари, бойликлари, фарзандлари ва жонларини қурбон қилишга мажбурдирлар. Уламолар, талабалар, даъватчилар, куч ва қудрат эгаларига эса бу вазифани ўташда, бошқалардан кўра кўпроқ мажбурият юкланади. Чунки, улар етакчи, бошқалар эса уларга тобеъдир.

Мусулмонлар бу аламли воқеъликдан илм ва амал билангина чиқишлари мумкин. Амалсиз илм воқеъни ўзгарта олмаганидек, илмсиз амал тузалиши мумкин бўлган кўплаб нарсаларни бузиб ташлайди.

Мен илм дейишдан, кўплаб одамлар ўйлагани ва Ислом мезонининг энг юқори мартабасига кўйганидек, жузъий, фикхий масалалар ёки гўзал одоб ва одатлар илмини назарда тутмаяпман. Балки, мен «илм» сўзидан калбада содик ва соғлом иймонни пайдо қиладиган, Аллох таъоло, Аллох таъолонинг расули ва динига бўлган мухаббатни бошқа барча нарсалар устига афзал кўрадиган, ҳар қанча мол ва жонни қурбон қилишни такозо қилсада, Аллох таъолонинг дини ва шу динни Ер юзида ўрнатиш учун ҳаракат қилишга ундайдиган илмни назарда тутмоқдаман. Бу эса Ислом динининг ҳақиқатини тўғри билиш, исломнинг негизи бўлмиш тавҳид ҳақиқатига бўлган муқаммал ишонч, бундан ташқари, ислом умматига таҳдид солаётган хатарлар ҳамда унга қарши кўз тутган душманлар ва режалаштирилган ботил даъватларни билиш ва дин душманларидан безор бўлиш ҳамда садокатли мўминлар учун дўст бўлиш демақдир.



Ислом Нури

Агар билиши ва англаши учун оддий мусулмонлар илм излаши, илм олишлари учун жиддий ҳаракат килишлари ва билган одамлардан сўрашлари вожиб бўлса, каламкашлар –ёзувчи ва ноширлар мусулмонларни Исломга боғлайдиган, Исломнинг барча конун ва ҳукмларига Ислом тарозусидаги ўлчовига лойик бўлган меъёрни берадиган Ислом руҳидаги китобларни кўплаб нашр килишлари вожиброкдир. Ёзувчи ва ноширлар бу ишга, хусусан Ислом уммати босиб ўтаётган бу огир лахзаларда, тезлик билан киришишлари керак. Улар авом халк ёки бошқаларнинг истакларини кондираман деб, Ислом динининг бир кирраси хакида кўплаб нашрлар чикариб, Ислом мезонида ахамиятлирок ва заруррок бўлган бошка кирраларга эътиборсиз карашлари дуруст эмасдир. Шу муносабат билан биз бошқалар килган хатоларни килишни хохламаймиз. Яъни, биз Ислом мезонида кичик бўлган тарафни катта тараф ҳисобига, эътиборсиз кўймокчи эмасмиз. Балки, биз нашр ишлари Ислом тарозусидаги ўз огирлиги ва макомига караб, турли кирралар хакида ўзаро мутаносиб бўлишига даъват этамиз. Кутубхоналарнинг жинлар, сеҳр, такво, соҳидлик, зикрлар, фазилатли амаллар, жузъий фикхий масалалар ва шу каби мавзулар хакидаги китоблар билан тўлик бўлиши етарли эмасдир.^[1] Зеро, биз кўплаб кутуб-хоналарнинг ўта муҳим мавзуларни оммабоп, енгил ва кулай ёритиб берган китоблардан холи эканини кўрмоқдамиз. Масалан, куйидаги мавзулар хакидаги китоблар:

– Исломдаги сиёсий фикх ҳукмлари ёки эски таъбир билан айтсак: «Султоний ҳукмлар»;

– мусулмонлар диёрида ёйилган илмонийя, демократия, миллатчилик ва социализм каби кўплаб динларни, куфр эътиқодига асосланган ал-Баъс партияси, миллий партиялар ва бошка оқимларни баҳс килиш;



Ислом Нури

– жиход хакидаги китоблар. Мен жиходнинг фарзлиги ёки унинг киёмат кунига қадар давом этишинигина қасд қилмоқчи эмасман. Балки, шу билан бирга, социализм, илмонийя, миллтчилик, демократия ва бундан бошқа оқимларни қабул қилган ва даъват этган ҳамда одамларни буни қабул қилишларига мажбур қилган салтанат соҳиблари ва ҳокимлар ичидаги муртадларга қарши жиход қилиш мавзусини қасд қилмоқчиман;

– йўқотилган халифликни қайтариш учун қилиниши керак бўлган амаллар ва бошқа шу қаби мусулмонлар ҳаётида ўта муҳим бўлган мавзулар хакидаги китоблар.

Агар инсон бу мавзулар билан бошқа мавзулар хакида ёзилган ҳамда бозорларда чаккон бўлган китобларни такқослаб кўрса, ўртадаги катта фарқни яққол сезиб олади.

Гоҳо, ёзувчи ва ноширлар: «одамлар бу мавзулар хакида ёзилган китобларни ўқимай қўйдилар» – деб нолийдилар. Биз уларга шундай деймиз: «Ахир шуҳрат қозонишни хоҳлаган ёзувчилар одамларнинг хоҳишларига қарамайдилар-ку! Агар сизлар айтганингиздек, одамлар бу мавзуларни ўқимай қўйган бўлсалар, бунда сизларнинг ҳам хиссангиз бордир. Чунки, сизлар уларни бу ҳолатга тушурдингиз ва уларга масаланинг ахамиятини лойиқ бўлганидек кўрсатмадингиз ҳамда бир томонга кўп эътибор бериб, бошқ томонга озрок эътибор бердингиз».

Ҳақиқатан ҳам, ишнинг бу ҳолатда давом этиши, одамларнинг тасаввуридаги Исломни ибодат, одоб ва одатлар шаклида чекланиб қолишига олиб боради. Дарҳақиқат, Ислом кўпчилиكنинг тасаввурида намоз ўқиш, рўза тутишга, баъзиларда зикрлар мажмуасига,



Ислом Нури

баъзиларда гўзал хулкка, баъзиларда кўриниш ва кийинишга, баъзиларда эса жузъий фикхий ёки ижтимоий ечимлар илмига чекланиб колди. Шунинг учун ҳам сиз Ислом динининг шомиллиги, Аллох таъолонинг тавхиди ва охират кунига бўлган иймондан келиб чиккан мухим мавзулар: Аллох таъоло индирган таълимотлар билан хукм килиш ва Ислом давлати ҳамда халифаликни кайта тиклашнинг фарз экани; илмонийя, демократия ва бошка куфрий окимларнинг ботил эканини баён килиш ва шу каби мавзулар хакида сўз очсангиз, улар сизни Исломдан бошка дин хакида сўзлаяпти деб ўйлайдилар ва: «Бу сиёсат. Динни сиёсатга аралаштирманг!» дейдилар.

Бундай одамларга бериладиган ўгитлар жума хутбалари, дарслар, масжидлардаги илм халка(доира)лари ҳамда кичик ва енгил китобчалар шаклида бўлса, ундай нотўгри сўзлар келиб чикмайди.

Биз ёзувчи ва ноширларнинг вазифаси, илмонийларга дин доирасини кичрайтириш ва динни хаёт майдонидан узоклаштириш йўлида олиб бораётган максадларини рўёбга чикаришларида ёрдамчи бўлмай, китобхонларнинг рағбати ва бозорнинг савиясига караб Ислом динини сохталаштириш ёки бирон бир тарафига чекланиб, бошка тарафларини нуксонли кўрсатиб бермаслигимиз керак.

Баъзи ёзувчи ва ноширлар: «биз бу мавзуларда ёза олмаймиз. Чунки, бу катта мавзу бўлиб, катта билимга мухтождир. Бу билим эса бизда йўқдир. Бу мавзуда хатога йўл кўйишнинг окибатлари ёмон бўлади» –деб айтадилар.

Мен уларнинг сўзларига бу жихатдангина кўшиламан: бугунги кундаги ёзувчиларнинг кўпи бу мавзулар хакида ёзишликка



Ислом Нури

нолойикдир. Бунинг сабаби, улар ё бу мавзуни тушунмайдилар ва ё тушунчалари коникарли эмас. **Агар шундай экан, хурматли олимлар ва буюк шайхлар каерда? Бу муаммоларни очиб бериш уларнинг вазифаси бўлмаса, мусулмонлар бошига тушган аламли воқеъликни ўзгартириш учун уларнинг вазифаси нима?!**

Илм ва илмни ёйиш хакида сўз кетар экан, бошлангич таълим мактаблари ва олийгохлардаги муаллим ва устозларнинг вазифалари куйидаги нарсаларда намоён бўлади;

1) Илмий изланишлар фақатгина илмий изланиш мақсадида бўлмай, Ислом хизматида бўлиши учун барча илмий дастурларни соғломлаштириш учун ҳаракат. Бунинг сабаби шуки, динимиз Аллоҳ таъоло тарафидан юборилган бўлиб, унинг чор кирраси ҳақиқатдир. Илмий кашфиётлар эса Аллоҳ таъолонинг махлукларидир. Демак, фан ва дин ўртасида қарама-қаршилик йўқ. Бундан ташқари, илмий ҳақиқатларнинг аксарини иймон майдонида, илмий қонуниятларнинг аксарини эса даҳрийлар суяниб, иймон келтираётган тажрибий-даҳрий илм назариясини бекор қилиш ёки рад этишда далил қилиб ишлатиш мумкин. Шунинг учун ҳам, ўқувчи ва талабалар учун тузилган таълим-тарбия дастурларида бу нарсалар назарда тутилиши, баъзи ишоралар билан эмас, балки, очик-ойдин баён қилиниши керак. Бу таълим-тарбия дастурларини тузаётган кишиларнинг вазифасидир.

2) Илмий дарсликларни қуфр ва залолатдан тозалаш. Баъзи дарсликларни динни билмаган кишилар ёзган. Мусулмон муаллим бу дарсликлардан дарс берар экан, хатоларни тўғрилаши ва ўқувчиларга залолатларни очиб, ҳақиқатни кўрсатиши керак. Муаллим **дарслик**



Ислом Нури

муаллими бўлиб колмаслиги, балки, бу фанларни Исломга боғлаши, «кирлик» лардан тозалаши ва шу пайтнинг ўзида, зиёли муаллим бўлиши билан бирга даъватчи, муршид ва воъиз бўлиши керак.

3) Муаллим Ислом тушунчаларини изохлаш, ёки акидасини исботлаш, ёки мусулмонлар муаммоларини баён қилиш, ёки Ислом одобларини ўргатиш учун имкониятида бўлган барча фурсатни ганимат билиши керак.

Табиийки, муаллимлар Аллох таъоло юклаган бу вазифани адо этиш учун изланишлари ҳамда илмий ва шаръий билим савияларини оширишлари керак.

Хотима

Бу киска бахсдан сўнг, илмдан кейинги амалга ўтамиз. Биз амал деганда фойдаси ҳаракат қилган кишининг ўзигагина келадиган амални эмас (гарчи бу ҳам зарур), балки, фойдаси шу ҳаракатни қилган киши билан бирга, бутун Ислом умматига келадиган амални назарда тутмоқдамиз.

Биз ҳақиқатга эътиқод қўймоғимиз ва у билан аввало ўзимиз ва дўстларимиз амал қилиб, сўнгра бошқа одамларни унга чақиришимиз: уларга Ислом ҳақиқатлари, бизга қарши ташқаридан ва ичимизда ҳаракат қилаётган душманларимиз ва Ислом уммати яшаётган оғир мусибатлар ҳажмини тушунтириши-миз керак. Бу вазифани адо этишда одамлар тарафидан бўлган нафрат, адоват, илмонийя малайлари бўлмиш ҳокимлар тарафидан бўлган тазйик ва қурашлар бизларни тўсиб қўймаслиги керак.



Ислом Нури

Демак, Ислом динига Ислом дини учун амал килиш, Аллох таъоло ва Росулulloх саллоллоху алайхи ва саллам яхши кўрган эътикод, амал ва сўзлар асосида одамларни бирлаштириш, Аллох йўлида жиход килиш ҳамда фитна бўлмаслиги ва диннинг барчаси Аллохники бўлиши учун Аллох ва унинг расулига душман бўлган кишиларга карши кураш эълон килиш керак!

Мен бу билан мусулмонлар зиммасидаги барча масъулиятлар хакида гапирдим деб хисобламайман. Балки, бу ўзимиз ва барча мусулмонлар учун эслатма бўлишига кифоядир. Шояд Аллох таъоло бу билан бизга фойда берса... илохим дуоларимизни кабул эт! Омин!

1- рабиул-аввал, хижрий 1411-йил, якшанба.
Хамдлар аввалдаю охирда Аллох таъолога хосдир.

^[1] Биз бирон бир кимсани Ислом хукми ўз ичига олган хар бир нарсани, гарчи кичик бўлсада, масалан: «хожат» холатини енгил санашга даъват этмокчи эмасмиз. Биз факатгина хар бир нарсага Исломдаги меъёр билан карашга даъват этмокчимиз холос. Зеро, бизнинг эслатиб ўтган бу йўл шарий матнлар хакидаги тўри тушунчадан келиб чиккан уламолар йўлидир.